Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 169 (6. 958) ◉ 1989 йил 24 июль, душанба ◉ Баҳоси 3 тийин

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг қарори

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномаси тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномаси маъқулансин.

Мурожаатнома матбуотда эълон қилинсин, телевидение ва радио орқали ўқиб эшиттирилсин.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, ижодий союзлар Мурожаатномани республика аҳолиси орасида кенг тарғиб қилиш ва тушунтиришни уюштирсинлар.

МЕҲР РИШТАЛАРИ УЗИЛМАСИН!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИГА, РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА АҲОЛИСИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Қадрдон дўстлар! Азиз биродарлар!

Кўп миллатли улуғ советлар Ватанимиз қайта қуришнинг оғир синовларини бошдан кечирмоқда. Қийинчилик ва мураккабликлар билан бўлса-да, олға томон одимламоқда. Қайта қуриш — ҳаммамизнинг, айни чоғда ҳар биримизнинг тақдиримиз, жамиятимиз ва тузумимиз тақдири бўлиб қолди. Шундай бир пайтда сиз билан бизнинг мустаҳкам сиёсий қарашларимиз, муштарак ҳаракатларимиз фавқулодда катта аҳамият касб этади. Зиддиятли тарихимизнинг не-не синовларидан ўтган дўстлигимиз осмонида қора булутларнинг пайдо бўлиши катта мақсад йўлида дадил бораётган барча софдил кишиларни ташвишга солмасдан қололмайди. Шундай кунда юрт қалқони — сиз азиз халқимизга мурожаат қилишни лозим деб топдик. Халқнинг саховати, ақл-заковати ва уруғини сочувчи ифво, миш-мишлардан устун эканлигига ишонамиз.

Маълумки, Фарғона фожиаси деб ном олган кўнгилсиз ҳодисалар чарақлаган ёз осмонида бевақт гулдираган момақалдироқ бўлди. Натижада саховатли тупроғимизда 45 йил ризқ-рўз терган, шу йиллар ичида ўзбеклар билан дўст-ёр, оға-ини, қариндош-уруғ бўлиб кетган биродаримиз — месхети турклари бошига мусибат тушди.

Афсуски, бир кун ичида она юртидан бадарга қилинган, уй-жойи, бутун молу мулкини ташлаб келган месхети туркларининг аянчли қисматини уларни энг оғир кунда бағрига олган, бирадарим деб бошини силаган, бир бурда нонини бўлишиб еган ўзбеклар даражасида биладиган яна ким бор? Сталин зўғумидан дили тилка-пора бўлган халқни ўз бағрига олган ким бўлганди? Уларнинг боши қатағон тошига тегиб, рўйи замин уларга тор келганда кенг бағрини очган ўзбеклар эмасмиди? Месхети туркларининг ўрта авлоди ва ёшларига кўп миллатли Ўзбекистон тупроғи она юрт хизматини бажармаганмиди? Турклар, қрим татарлари, корейслар ва бошқа миллат, элатларнинг мусибатларини баб-баравар баҳам кўрган ўзбеклар эмасмиди?

Миллатлараро биродарлик инқилобий курашларда, Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида қон билан мустаҳкамланган. Урушнинг оғир кунларида уйнинг тўрини, қалбининг қўрини дўстларга тутган ҳам ўзбек эди! Уруш қаъридан эвакуация қилинган ўнлаб миллатларнинг юз минглаб ғўдакларига ҳам етимлик нималигини билдирмай, меҳру шафқат қўлини чўзган, уларга ҳам ота, ҳам она бўла олган, болажон, мўмин-қобил, сахий қалб ўзбек эди!

Ўзбек тарихан байналминал халқ! Байналминал фазилатлар унинг қон-қонига ва томирига сингиб кетган улуғ меросмиз! Шундай халқни йўлдан тойдирмоқчи бўлганларнинг, унга миллатчилик тамғасини босмоқчи бўлганларнинг уриниши беҳуда. Ўзбекнинг илк битиклари, аллома Абу Райҳон Беруниийнинг тарихий «Ҳиндистон»и ва Алишер Навоийнинг буюк «Ҳамса»сида осмон қадар улуғланган чин ҳақиқат — эл ва элатлар ўртасидаги дўстлик, муҳаббат, халқлар ўртасидаги улуғ қонқардошлик туйғусидир. Машраб, Фурқат, Ҳамза сингари жаҳонга машҳур шоирлар руҳи ҳамиша бизни инсоний камолат сари чорлаб туради. Аллома ва донишманд бободаримиз халқлар ўртасидаги буюк дўстлик кўпригининг беназир меъморлари бўлишган ва буни сақлашни бизларга васият қилишган.

Ифтихор билан айтиш мумкинки, жаҳон халқлари олдида бўлганидек, Ватан олдида ҳам ўзбек халқининг юзи ёруғ, кўнгли покиза. Фарғона ҳодисалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга ким қандай бўёқ бермасин, тарих албатта ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Аслида Фарғона фожиасидан энг кўп жароҳат топган, ўзининг кенг бағрига кўп миллатли дўстларни қабул қилган меҳнаткаш халқнинг ўзи эмасми?

Она Фарғонани, ўлкамиз равнақини, ўзбек халқининг обрўси, қадр-қимматини ўйлаган кишилар шундай йўлга қадам қўярмиди? Она юрти ва халқни ўйлаганлар, улуғ мамлакатгамини еганлар бу йўлга бош суқармиди? Бу фожиалар қўли қадоқ Фарғона деҳқонининг иши эмас. У ҳеч қачон заҳматкаш Фарғона ишчисининг ва зиёлисининг иши бўлолмайди. Бу фалокатни келтириб чиқарганлар учун юрт меҳри, Ватан ифтихори деган тушунчалар бегона. Уларнинг тақдири ҳеч қачон Фарғона халқи билан боғланган эмас.

Ўзбек онаси тетапоя юрган боласига: «Қушнинг ҳам уясини бузма, болам», — деб ўргатади. Имон билан айтиш мумкинки, бўлиб ўтган худбинлик ўзбек халқининг иши эмас. У айни пайтда ўзбекнинг қалбига отилган ўқ бўлди. Ўн минглаб бошпанасидан айрилган турклар қатори миллионлаб ўзбекнинг, республикамизда яшовчи бошқа миллат вакилларининг ҳам қалбини жароҳатлади.

Биз ишонтириб айтамизки, бу фалокатни ташкил этганлар, қонли жиноятга қўл урганлар, фожиа шамолин билиб, ўзларини билмасликка олганлар, соддадил ёшларни жиноят йўлига бошлаганлар қилмишлари учун совет қонунлари, халқимиз олдида беистисно жавоб берадилар. Бу фожиа бизни чинакам сергаклантирди. Янада чуқурроқ ўйлашга мажбур этди. Эндиги вазифа — бу фожиадан етарлича сабоқ ва оқилона хулосалар чиқариб олишда.

Фарғона водийсида кўплаб муаммолар тўпланиб қолган. Сиёсий, ташкилий ишлар, таълим-тарбия ишлари сусайиб кетган. Мавжуд масалалар орасида жиддий социал-иқтисодий, экологик муаммолар бор. Буларнинг ҳаммаси умумий дардимиз, камчилигимиз. Бу муаммоларни бартараф этиш, сиёсий, ташкилий ва мафкуравий ишларни қайта қуриш борасида кўп ишларни амалга оширишимиз лозим.

Ҳеч шубҳа йўқки, совет халқи ва совет давлати, Ўзбекистон партия ва ҳукумати оғир мусибатда қолган оилаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатади ва кўрсатмоқда. Бироқ, ҳар қандай инъом ва мурувват уларни ўз ўчоғи, ўз бошпанаси ва униб-ўсган тупроғига қайтаришга тенг келармиди? Вақти-соати билан бу халқнинг ноҳақ поймол бўлган ҳақ-ҳуқуқларини давлатимиз тиклайди, қардошлар қалбидаги она-Ватан орзуси рўёбга чиқади. Бунинг учун ҳам вақт керак. Воқеа ва ҳодисаларни тўғри баҳолаш зарур. Бироқ, уларнинг кўпчилиги учун Ўзбекистон она юрт каби азиз ва муқаддас эканлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Азиз юртдошлар! Донолар доимо элга эл қўшилса — давлат деганлар. Келинг, элнинг тўзишига йўл қўймайлик.

Азиз қадрдонлар! Саховатпешаликни, инсонийликни, қадр-қимматни азалий билган юртдошлар! Бугун дўстлик ришталари яна бир бор синовдан ўтаётган кезда сизга мурожаат қиламиз!

Халқнинг донишмандлари — ота-оналар, оқсоқоллар, сизларга мурожаат қиламиз. Фан, маданият арбоблари, сизларга умид билан боқамиз! Сизнинг ҳар бир сўзингиз эл-юрт олдида нақадар эътиборли эканлигини биламиз. Ақли расо сўзингизни айтинг, олиму-фозилларимиз! Сўз сеҳрини заргарона ишга солинг, азиз санъаткорлар, токи халқ бахт-саодати парокандалик билмасин! Эзгу ниятингиз тезроқ ижобат топсин, яхшилар!

Дўстлик ва қардошлик тақдири бугун ўз қўлимизда. Арғамчига қил қувват дейдилар. Дўстлигимиз ипи узилмасин, қаердаки унинг битта-ярима чоки сўкилган бўлса, унинг ўрнини минг қават меҳр-муҳаббат иплари билан боғлайлик. Буни сўзда эмас, амалда кўрсатадиган вақт келди. Оғир синовлардан кейин ҳам турк қардошларимиз умиди ва ишончини ўзбеклар юрти билан боғлаб дўстлар қучоғига қайтмоқдалар.

Ўз уйи ва дўстлари қошига қайтаётган ҳар бир қардошнинг кўзидан ёшни артиб, дардни чекинтириш — бу ўзбеклар иши! Ўз уйи остонасидан ҳатлашга ботинмай, ҳадиксираб турган қардош халқ вакилининг қўлидан тутиб, мурувват кўрсатиш — мана бу ўзбекона тантилик! Сарсонлик-саргардонлик бездирган, ҳолдан тойдирган, силласини қуритган инсонларга қувват бўлиб, қўлтиғига кириб мадад бериш — мана бу ўзбекча паҳлавонлик! Бемавруд ғамандуддин бир зум бошини эгиб, йўл азобидан қадди дол, турли шубҳа ва хаёллар оғушида ердан кўз узмай, хаёл суриб турганларнинг қаддини кўтариш — марднинг иши!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Олий Совети ва ҳукуматининг иродаси, айни муддаоси бу. Дўстлик, биродарлик — жамиятимизнинг энг мустаҳкам устунидир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачев совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқида бу эзгу ҳақиқатни ҳолисона таърифлаб берди. Келинг, шу нутқда кўтарилган фикр-мулоҳазаларни, қоида ва хулосаларни яқдил, тўла қўллаб, партиямизнинг ленинча миллий сиёсатини амалга ошириш учун бутун куч-ғайратимизни сафарбар этайлик, фидокорона меҳнатимиз билан қўпмиллатли иттифоқимиз халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлашга эришайлик.

Азиз дўстлар! Қардошлар! Юртдошлар ва элатдошлар! Келинг, юракни гина-кудурат ва адоват юкидан халос этайлик! Токи унда фақат эзгулик ва яхшилик уруғи унсин! Дўстлар кўришганда кўзида севинч ёши бўлса майли, лекин қўлида тош бўлмасин! Қардошлар, биродарлар дуч келганда ота-боболардан мерос удумимизни тутайлик: қулочни кенг ёзинг, дўстлар! Бу қалби очиқ ўзбекнинг кенг қулочи бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

Мунозарага таклиф этамиз

КПСС Устави: у қандай бўлиши керак?

Қайта қуришнинг ҳозирги жуда муҳим ва масъулиятли босқичида партиянинг ўрни ва роли масаласи ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. КПСС Марказий Комитетида яқинда бўлиб ўтган кенгашда ҳам партия ҳақида, у ҳозир, революцион қайта қуриш амалий ишга айланган бир пайтда қандай ҳаракат қилиши лозимлиги тўғрисида рўй-рост фикрлашув жуда зарурлиги таъкидланди.

Ушбу кенгашда партиянинг бўлажак XXVIII съездида КПСС Программасини янгилаш ва янги Устав қабул қилиш мўлжалланаётганлиги ҳам айтилди. Партиянинг бу асосий ҳужжатлари бўйича таклифларни тайёрлашга ҳозирданоқ киришавериш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Бугун «Тошкент оқшоми» мунозара тариқасида Акмал Икромов район партия комитети ташкилий бўлимининг мудири Ш. Шораҳмедовнинг қуйидаги мақоласини эълон қиляпти. Биз шаҳарнинг барча коммунистларини, газетхонларимизни КПССнинг янги Устави қандай бўлиши лозимлиги ҳақидаги мунозарага таклиф этамиз. Бу масала бўйича таклиф ва мулоҳазаларингиз билдирилган мактубларингизни кутамиз.

Жамият ҳаёти барча соҳаларини қайта қуриш ва янгилаш жараёнида вужудга келаётган ижтимоий вазият мазкур жараёнда партиянинг ўрни ва ролига янгича назар ташлашни талаб қилади.

Партия XXVII съезди, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясидан кейин жамиятда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Партиянинг янги таҳрирдаги Программаси, Уставга киритилган ўзгартишлар сиёсий ҳаётнинг фаоллашувига хизмат қилди. Партия ташкилотлари XIX Бутуниттифоқ конференциясига тайёргарлик ва конференция материалларининг умумхалқ муҳокамаси чоғида, партиядаги ҳисобот ва сайловлар, СССР халқ депутатлари сайлови чоғида тўплаган ижобий тажрибалар ҳужжатлар билан мустаҳкамлашни талаб қилади.

КПСС Уставидан партия жамиятининг сиёсий авангарди деган қоида, шундан келиб чиқувчи партиянинг социалистик қурилишдаги вазифалари, ўрни ва роли ўрин олиши лозим. Шу муносабат билан қуйидаги таклифларни киритиш мақсадга мувофиқдек туюлади.

Масалан, Уставнинг кириш қисмида «Коммунистик партия раҳбарлигида Совет Иттифоқида эксплуататор синфлар тугатилди, кўпмиллатли совет жамиятининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги вужудга келиб, муттасил мустаҳкамланиб бормоқда. Социализм тўла-тўкис ва узил-кесил ғалаба қозонди. Пролетар давлати ўсиб, умумхалқ давлатига айланди. Мамлакат ривожланган социализм босқичига қадам қўйди» деган программ қоида бор. Бугунги кунда ушбу қоиданинг айрим жойлари қайта кўриб чиқишни, чуқур таҳлил этишни талаб қилади, бу Программада тезроқ ўз ифодасини топиши лозим.

Сумгаит ва Фарғонадаги, Тоғли Қорабоғ ва Абхазиядаги, мамлакатимизнинг бошқа регионларидаги ачинарли воқеалар бунинг исботи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳозир, ижтимоий ҳаётни демократиялаш, чинакам халқ ҳокимиятини қарор топтириш даврида партия ва советларнинг вазифаларини чегаралаш масаласи айниқса муҳим аҳамият касб этади. Аммо Уставда, бизнинг назаримизда, партиянинг вазифалари етарли очиб берилмаган. Шунинг учун унинг кириш қисмига М.С. Горбачев КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда қилган докладида баён этган **«...ижтимоий фикрни доимо ривожлантириш ва бойитишдан, ижтимоий тараққиётнинг етилган эҳтиёжларини, омманинг манфаатлари ва кайфиятларини эътиборга олиб, илмий марксизм-ленинизм асосида ички ва ташқи сиёсат асосларини ишлаб чиқишдан, партия йўлини кенг халқ оммаси онгига сингдириш ва уни амалий ҳаракатларда рўёбга чиқариш учун мафкуравий ҳамда ташкилотчилик ишини олиб боришдан иборат. Ниҳоят, кадрлар хусусида партия доимо ғамхўрлик қилиб келди ва келгусида ҳам шундай ғамхўрлик қиларади»** деган партиянинг асосий вазифалари тавсифини киритиш лозим.

Уставнинг биринчи «Партия аъзолари, уларнинг вазифалари ва ҳуқуқлари» бўлими, жумладан, 2-боби ҳаддан ташқари кенгайиб кетган. Масалан, у коммунистга ишлаб чиқаришда нима қилиш ва қандай қилишни амр қилади. Аммо биз коммунистлар онги ва партия интизоми даражасини мукаммал фармойишларнинг ҳажми белгиламаслигини биламиз. Албатта, 2-боб-нинг а), в), г), д), е), ж), з), и), л) моддалари партия аъзоларининг жамиятнинг сиёсий авангарди сифатидаги вазифаларидан келиб чиқувчи вазифаларини очиб беради, уларнинг мазмуни шубҳа уйғотмайди, аммо б) моддасини бирғина **«Ишлаб чиқаришда ва турмушда ўрнак кўрсатиши лозим»** деган жумла билан талқин этса бўлади. 3-бобнинг д) моддасини **тарқиб топган амалиётга мувофиқлаштириш, яъни коммунист партиянинг ҳар қандай органига, то КПСС съездигача (конференциясигача) мурожаат этиш ҳуқуқига эга, деб тузатиш керак.**

Партиянинг жамоат ташқилотлари билан муносабатлари демократиялашиб бораётганлигини ҳисобга олиб, 4-бобнинг «Партияга 18 ёшга етган кишилар қабул қилинади. 25 ёшга тўлганга қадар ёшлар партияга фақат ВЛКСМ орқали кирадилар» деган абзаци иккинчи жумласини қуйидаги таҳрирда: **«25 ёшгача ва 25 ёшга тўлган ёшлар партияга одатда ВЛКСМ орқали кирадилар»** деб бериш лозим.

XIX партия конференцияси КПССнинг демократик централизм принципига содиқ эканлигини узил-кесил тасдиқлади. Айни вақтда партия ташкилий тузилиши, ҳаёти ва фаолиятининг ана шу асосий принципи ҳақидаги ленинча тушунчани тўла ҳажмда тиклашни биринчи навбатдаги вазифа, деб белгилади.

Шу муносабат билан 19-боб қуйидаги таҳрирда таклиф этилади: **«Партия ташкилий тузилишининг, ҳаёти ва фаолиятининг раҳбар принципи демократик централизм бўлиб, бунинг маъноси шуки:**

а) қарор қабул қилингунига қадар мунозаралар ва фикр алмашувлар эркинлиги, партия органи қарор қабул қилганидан сўнг ҳаракатлар бирлиги таъминланади;

б) партиянинг барча раҳбар органлари ва коллегиялари қуйидан юқоригача сайлаб қўйилади, улар ўз партия ташкилотлари олдида ва юқори органлар олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб турадилар.

в) сайлаб қўйиладиган партия органлари мунтазам янгиланиб туради ва раҳбарликнинг давомийлигига рионя қилинади:

г) озчилик кўпчиликка бўйсунади, юқори органларнинг қарорларини бажариш қуйи органлар учун мажбурийдир;

д) партиянинг барча раҳбар органлари ва коллегиялари ошкора ва очиқ иш олиб борадилар;

е) партиянинг барча ташкилотлари, раҳбар органлари ва коллегиялари коллектив равишда иш олиб боради, ҳар бир коммунист ўз вазифалари ва партиявий топшириқларни бажариш учун шахсан масъулдир».

Қайта қуришнинг тақдири ҳал қилувчи равишда инсон омилини, туб иқтисодий ислоҳотни ва барча босқичларда ижтимоий ҳаётни демократиялашни биринчи ўринга қўювчи бир-бири билан ўзаро боғлиқ икки жараён билан белгиланади. Бу жараён, шак-шубҳасиз, партиянинг асосий бўлмиш бошланғич партия ташкилотларини четлаб ўтолмайди. Шу муносабат билан уларнинг жамият тараққиётидаги роли ва ўрни кескин ошади. Партия ҳаётининг барча жараёнларини фаоллаштириш, изчиллигини таъминлаш биринчи навбатдаги вазифа қилиб қўйилади.

Корхоналарнинг хўжалик ҳисобига ўтиши, ишлаб чиқариш соҳаси ходимларининг тариф ставкалари ва лавозим маошларининг ошиши ҳаётда қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқарди, партия сайланма органларининг ишини кўп жиҳатдан мураккаблаштирди. Ҳозир партия қуйи бўғинларининг кадрлари билан ишлаш, уларни танлаш ва жой-жойига қўйиш алоҳида кескинлик касб этади.

Хўжалик ҳисоби шароитида ҳар бир ходим ҳисобда бўлган бир вақтда, партия ташкилотининг секретари ўзини коллектив учун ортиқча юк деб ҳисоблаши ярамайди, ваҳоланки, ҳамма унинг муҳим ва жуда зарур иш қилаётганини тушунади. Партия ташкилотларининг кўпгина секретарлари жамоатчилик асосида ишлашади, тез-тез шундай ҳолларга ҳам дуч келиб туриладики, уларнинг ҳатто аъзолик бадалларини ўз вақтида йиғиб олишга ҳам вақти бўлмайди. Айни вақтда уларнинг хизмат доиралари кенг, партия ташкилотидаги меҳнат коллективидаги ишларнинг аҳволи учун масъулияти катта. Партия ташкилотлари секретарлари бюро аъзоларининг ишини ташкил этишлари ва бошқаришлари, партия ташкилоти иш планларининг бажарилишини шахсан назорат қилиб боришлари, кадрлар билан ишлашни унутмасликлари, партия сафларига ишлаб чиқариш илғорларини жалб этиш билан шуғулланишлари, ёш коммунистларнинг ўқувини ташкил этишлари, кўргазмали ташвиқотнинг мазмуни ва кўринишини кузатиб боришлари, партия йиғилишларини бюро мажлисларини тайёрлашлари ва ўтказишлари лозим ва ҳоказо. Бу ҳали уларнинг партия Уставида ва қўлланмаларида кўзда тутилган вазифаларининг тўла рўйхати эмас.

Албатта, бу ишларнинг ҳаммасини камкўстсиз, яна ишлаб чиқариш манфаатларига шикаст етказмай бажариш амри-маҳол. Шунинг учун ҳам-шошма-шошарлик билан тайёрланган ва ўтказилган партия йиғилишлари ҳамон тез-тез учраб туради, улар меҳнат коллективларини қаяжонлантираётган энг кескин муаммоларни четлаб ўтади, кўпгина амалий мулоҳазалар, яхшигина таклифлар бир чеккада қолиб кетади, бу одамларнинг норозилигига сабаб бўлади. Бундай шарт-шароитлар «чўнтак секретарлари» деб аталмиш, маъмурларга эътироз билдиришдан қўрқадиган секретарларнинг тирикчилик қилишига бехосдан бўлса ҳам хизмат қилади. Буларнинг ҳаммаси пировард натижада партия ташкилотларининг обрўйини тўкади.

Шу муносабат билан, КПСС Уставининг 55-бобини қайта кўриб чиқиш ва **«50 дан кам партия аъзоларини бирлаштирган бошланғич партия ташкилотларида, одатда, маош олиб ишлайдиган партия ходимлари лавозими белгиланмайди»** деб тузатиш зарурати етилди, деб ҳисоблаймиз. КПСС Уставига **шунингдек, партия бадалларидан тушувчи маблағларнинг 50 фоизигача район партия комитетлари ихтиёрида қолдириш ҳақидаги қоидани киритиш лозим.** Ана шу маблағлардан партия ташкилотларининг секретарларига қўшимча, ҳақ тўлаш улардан бошланғич партия ташкилотларининг эҳтиёжлари учун фойдаланиш мумкин бўлар эди.

Бундан ташқари, КПСС Уставининг партия ташкилотларида партия йиғилишларини ўтказиш муддатларини белгиловчи 54-бобини қайта кўриб чиқиш керак. **Йиғилишлар** Уставда кўзда тутилганидек, **ҳар ойда эмас, уч ойда бир ўтказилсин,** деб белгилансин. **100 дан ортиқ коммунисти бўлган партия ташкилотларида эса йиғилишлар зарурият туғилишига қараб партия бюроси томонидан белгиланадиган муддатларда ёки бир қанча цех партия ташкилотларининг талаби билан ўтказилсин.**

М. С. Горбачевнинг куни кеча КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда қилган доклади билан танишувдан сўнг ҳаёлга шундай фикрлар келади.

Ш. ШОРАҲМЕДОВ,
Акмал Икромов район партия комитети ташкилий бўлимининг мудири.

Армияга—муносиб фарзандлар

22 июль куни В. И. Ленин номидаги Қизил Байроқ ва Қизил Юлдуз орденли Тошкент умумқўшин командирлар олий билим юрти офицерларининг навбатдаги битирув тантаналари бўлиб ўтди.

Бундан 71 йил, муқаддам В. И. Ленининг шахсан кўрсатмаси билан ташкил этилган билим юрти Совет Армиясининг минглаб офицерларини тайёрлаб берди. Уларнинг кўпчилиги иш билан мамлакат Қуролли Кучлари шон-шуҳратини оширдилар, Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари бўладилар. Курсантлар ҳозир ҳам кекса авлоднинг шонли анъаналарини ривожлантириб, замонавий ҳарбий техника ва қурол-яроғни эгаллаб, ҳарбий-сиёсий тайёргарликда юксак натижаларга эришмоқдалар. Билим юртини бу йил йигирма беш офицер имтиёзли диплом билан, икки киши олтин медаль билан тамомлади.

Эндиликда уларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи территориясидаги турли ҳарбий округларда қийин хизматни ўтайдилар. Офицерлар билим юрти билан хайрлашар эканлар, мамлакатдаги энг яхши ҳарбий ўқув юртларидан бирининг анъаналарига муносиб бўлиш, социализм ғалабаларини сергаклик билан қўриқлашдан иборат ўзига хос эстафетани ёш курсантларга топширдилар.

Ёш офицерларни Ўзбекистон пойтахти жамоатчилигининг вакиллари, Қуролли Кучлар ветеранлари, ота-оналар самимий табриклашди.

Тантанали йиғилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал-лейтенант Г. Г. Кондратьев нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

Тонгги газеталарда

◉ М. С. Горбачев ва Н. И. Рижков ўртоқларнинг 22 июлда Донбасс кончиларининг талабларини кўриб чиқувчи ҳукумат комиссиясининг раиси Л. Д. Рябевга йўллаган телеграммасининг баёни эълон қилинган. Донбасс шахтёрлари ўртага қўйган, комиссия билан келишилган барча масалалар СССР Олий Советида ва СССР Министрлар Советида шахтёрларнинг вакиллари иштирокида пайсалга солинмай кўриб чиқилади, улар юзасидан зарур қарорлар қабул қилинади, дейилади жумладан телеграммада.

◉ 22 июль куни Тожикистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини тугаллади. Кенг мунозарадан сўнг депутатлар моддама-модда овоз бериш йўли билан Тожикистон ССРнинг Тил тўғрисидаги қонунини қабул қилдилар.

Тошкентда митинг ўтказилди

22 июль куни республика Билимлар уйида халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши рухсат берган ва Тиллар тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланган митинг бўлиб ўтди.

Митингда ишчилар коллективлари, зиёлилар, студент ёшларнинг вакиллари иштирок этдилар. Сўзга чиққан кишилар Тиллар тўғрисидаги қонун лойиҳасини мукаммаллаштиришга оид таклифлар киритдилар.

Мазкур таклифлар митинг қатнашчилари қабул қилган резолюцияда ўз аксини топди.

(ЎзТАГ).

Об-ҳаво ва саломатлик

24 июлдан 30 июлгача

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра шу ҳафтанинг аксарият кунлари ёғингарчилик бўлмайди. Иссиқ ҳаво сақланиб туради. Ҳарорат кечаси 20—25, кундузи 37—42 даража атрофида бўлади. Ҳафтанинг охирига келиб ҳароратнинг пасайиши кутилади.

Ҳафтанинг ўртача ҳарорати кўп йиллик нормадан юқори бўлади.

Н. А. Семашко номидаги сиҳат-саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медик об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдини олиш марказидан мутахассисларининг фикрига қараганда ҳафтанинг аксарият кунлари кунлар иссиқ бўлиб, иссиқ ҳароратнинг комплекс таъсир этиши, ҳаво таркибидаги кислород миқдори камайиб, атмосфера босимининг пасайиши инсон организмида нохуш реакцияларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай об-ҳавода ўпка-нафас олиш системаси хасталиги, юракнинг ишемик хасталиги, артериал гипотония ва бошқа касалликлари бўлган беморларнинг аҳволи бирмунча оғирлашиши эҳтимоли бор. Шунинг учун ана шу тоифадаги беморларга очиқ ҳавода, салқин ерларда кўпроқ бўлиш, врачларнинг тавсияси билан нафас олиш машқларини бажариш, совуқроқ сув муолажаларини қабул қилиш, шунингдек юрак-қон томир фаолиятини мўътадилаштирувчи дори-дармонларни қабул қилишда давом этиш, уйқу, меҳнат ва овқатланиш тартибига қатъий риоя қилиш тавсия этилади.

Партия турмуши: коммунистлар етакчилари ҳақида ҳикоя қиламиз

Севган касбда ўттиз йил

Ҳикмат ака эсини таниганидан буён бутун умрини қурилишга сарфламоқда, шаҳар жамолининг чирой очишига ўз ҳиссасини қўшиб келяпти. Тошкентда унинг қўли тегмаган бинолар, мактаб ва боғчаларнинг сон-саноғи йўқ, ҳисоби.

Ишчилар шаҳарчасида туғилиб ўсган Ҳ. Раҳматуллаев ёшлигидан қурувчи бўлишни кўнглига тугиб қўйган эканми, мактабни тамомлагандан сўнг шаҳардаги қурилиш ташкилотларининг бирига ишга жойлашди. Коллектив ундан ёрдамини аямади.

Совет Армиясидаги хизматдан сўнг Ҳикмат ака бутун меҳнат фаолиятини ўзининг севган касби — қурувчиликка бағишлади. Ишга астойдил киришиб, план ва топшириқларни ўз вақтида бажаришга, тиришқоқлик билан меҳнат қилишга ҳаракат қилди. Унинг меҳнатсеварлиги, ҳаракатчанлиги ва қобилиятлилиги бошқаларни ўзига жалб этди. Коллектив ўртасида обрў қозонди. Цех партия ташкилоти уни КПСС аъзолигига номзодликка тавсия этди. 1966 йили Коммунистик партия сафига қабул қилинди.

Меҳнатдаги изланишлар ўз самарасини бера бошлади. Кетма-кет назорат қилиш, қурувчини тергаш — унинг одатига зид. Шунинг учунми, коллектив Ҳикмат акани ҳурмат қилади.

Партия ва ҳукуматимиз Ҳ. Раҳматуллаевнинг меҳнатдаги ютуқларини муносиб тақдирлади. У «Ҳурмат белгиси» ва Октябрь Революцияси орденлари соҳибидир. У бир неча бор район ва шаҳар Советига депутат қилиб сайланди. Октябрь район Советининг депутати, коммунист Ҳ. Раҳматуллаев фидокорона меҳнати билан қайта қуришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётир.

Ҳ. ЮНУСОВ.



Игорь Коньшин Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказида инженер-электроник бўлиб ишлайди. Тошкент шаҳри ва область об-ҳаво маълумотларини аниқ етказиб беришда унинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

С. Михайлов сурати.

Меҳнатдан обрў топганлар

Фарзандларимиз ҳаётини қўғирчоқларсиз ва ўйинчоқларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларни қувонтиришга катта ҳисса қўшаётган Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси коллективи ўртасида ўз ишининг фидойилари кўп. Шулардан бири Мукаррам Хўжаевадир. У ўраш цехининг илғорларидан ҳисобланади. Плёнкали ўйинчоқлар ишлаб чиқариш участкасида ўн йилдан буён ишлаб келяпти. Ҳозир бригадага моҳирона етакчилик қилмоқда.

Севара Шарипованинг (чапда) фабрикада ишлаётганига эса 14 йилдан ошиб кетди. У 1-цехда пайвандловчи бўлиб ишлайди. У ҳам ўз ишининг фидойиси.

Улар фабрика ишчилари ўртасида бошқаларга намуна бўлишаяпти. Маҳсулот сифатига, айниқса алоҳида эътибор бериш яяпти. Шунинг учун ҳам бу илғорлар коллектив ўртасида муносиб обрў-эътибор қозонишган.

Т. Каримов суратлари.

Давлат қабули—сифат кафолати

Ҳаёт тақозоси

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи ва хизматчилари доимо қишлоқ аҳлининг, бободеҳқонларнинг ташвиши билан яшайди. Айниқса пахтанинг мўл-кўл бўлиши уларнинг қувончига қувонч қўшади. Қолаверса, бугун деҳқонлар талаби даражасидаги техникани ишлаб чиқариш, унинг юқори сифатлилигини таъминлаш завод аҳли ўз олдига қўйган шарафли вазифаларидан. Яширишнинг нима ҳожати бор, кўп ҳолларда заводларда ишлаб чиқарилаётган яп-янги техниканинг турли нуқсонлар билан далага жўнатилаётганлиги, узоқ йилларга мўлжалланган қишлоқ хўжалик машиналарининг қисқа вақтда ишдан чиқиши ва натижада колхоз ва совхозлардан турли шикоятлар ва эътирозлар олинганлиги ва бу ҳол бугунги кунда ҳам давом этаётганлиги кишини ўйлантириб қўяди.

Хўш, сифат масаласини ҳал қилиш учун нима қилиш керак? «Узбексельмаш»да давлат қабулининг жорий қилиниши масалани кўп жиҳатдан ҳал қилганлигини айтиб ўтиш лозим. Янгича иш кўришга тайёргарлик бу ерда 1986 йилнинг иккинчи ярмидан бошланди. Корхонадаги жорий қилинган ички синовнинг ўзи ҳали бартараф қилиниши лозим бўлган талайгина муаммолар борлиги, уларни юз фоиз бартараф этмасдан тўла аъло сифат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкинмаслигини кўрсатди.

Тайёргарлик группаси янги шароитда қишлоқ хўжалиги, пахтачилик механизацияси сифатини яхшилаш масалалари юзасидан зарур чора-тадбирларни белгилади.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотларига давлат қабули жорий қилинишидан илгари жиддий шикоятлар билдириларди. Шунинг учун ҳам комиссия аъзолари бундай норозиликларга ўрин қолдирмайдиган даражада яхши мутахассис бўлишлари керак эди. Ахир, техник, конструкторлик, технологик жараёнларда, асбобсозлик ва чизмаларда йўл қўйилаётган нуқсонларни бир қарашда оддий мутахассислар дарҳол пайқаб олишмайди.

Давлат қабули иш бошлаган дастлабки ойларда барча қишлоқ хўжалик механизацияси ва 5 турдаги халқ истеъмоли моллари назоратга олинди. Аслида завод ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, жумладан СХУ—4 маркали чигит экувчи универсал машинанинг икки хил варианти, УПХ—1,5В маркали кўсак чувиш машинаси, ПХГ—4 гербицидлар пурковчи мосламаларга бўлган талаб йилдан йилга ошса ошяпти-ки, камаймаяпти. Демак, талабга яраша ишлаш керак. Яширишнинг нима ҳожати бор, корхоналаримиз кўнгандан кейин давлат қабули комиссиясининг ишчилар ва мутахассислар ўртасидаги ишончли алоқа ўрнатилган. Мутахассислар далаларга чиқиб, айнан ўша ерда машиналарнинг иш жараёнини кузатадилар. Лекин аслида заводнинг ўзидаги назорат — синов станцияларида ниҳоятда серталаб талаб қилиняпти. Комиссия завод маъмурияти билан техникани синаш графикларини тузиб чиққан. Ана шундай соатларда маълум партиялар мутахассислар томонидан мукаммал синовдан ўтказилади. Агар техникаларда носозлик аниқланса, тўла бир партия цехларга қайтарилади. Бу ўринда кўпинча йиғув цехи ишчиларига оғир бўлади. Чунки мазкур цехда охирги технологик жараёнлар амалга оширилади. Машиналардаги носозликлар учун жавоб бериш кўпинча унинг зиммасига юкланади. Лекин барча айбни зиммага олишдан наф йўқ. Шу ўринда цехларнинг бир-бирига талабчанликни ошириб бораётганлигини қайд қилиб ўтиш лозим. Текширувчи мутахассислар фаолиятида ишчиларнинг ўз вазифасига совуқконлиги билан қараётганлиги туфайли маҳсулотларнинг барча қисми ҳам биринчи тақдимда қабул комиссиясидан ўтяпти деб бўлмайди. Албатта, дастлабки иш бошланган давр — 1987 йилга нисбатан цехларда узаро талабчанлик ва масъулият ўсди. Лекин бундай ўсишга ҳозир нуқта қўйиш имкони йўқ. Келинг, яхшиси кўрсаткичларга назар ташлайлик. 1987 йилда давлат қабули комиссияси аъзолари ҳар иккала ҳужжатларни барча маҳсулотлар бўйича, тўла тартибга солиш устида ишлашмоқдалар.

таъминот масалаларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳам ишга панд беради. Бугунги кунда «Узбексельмаш» заводида ҳам шундай ҳолатларга тўла чек қўйилган деб бўлмайди. Лекин шу билан бирга давлат қабули комиссияси аъзоларининг ишларидан ҳам кўз юмиш мумкин эмас.

Корхонада давлат қабули жорий қилиниши билан ишлар ниҳоятда жонланди. Якунловчи синов босқичларида машинанинг тўла сифат билан бир маромда ишлашига эришиш учун сифат учун жавобгарликни барча босқичдаги ишчилар тўла ҳис қилиши керак. Шунинг учун бўлса керак, корхона давлат қабули комиссиясининг аъзолари ўз вазифаларини фақат якунловчи босқичдаги техникани синаш билангина чекламайдилар. Бугун комиссия аъзоларини бирлашманинг ҳамма цехларида учратиш мумкин. Улар орасида цехларнинг иш процессини яхши биладиган мутахассисларнинг борлиги иш кўламига ижобий таъсир кўрсатяпти.

Корхона маъмурияти давлат қабули комиссиясининг зътирозлари ва сифат масаласидаги талабларини тўла адо этишга интиляпти. Лекин шунга қарамай бугунги кунда корхонанинг тўла қайта жиҳозланиши, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ҳамда мавжуд эски техникаларни янгилари билан алмаштириш учун тўла имкониятлар йўқ. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тўла сифатлилиги авваламбор техника унумдорлигига боғлиқлиги ҳеч ким/учун сир эмас. Баъзи ҳолларда шу сабабга кўра, баъзан эса технологик босқичларда ишчиларнинг ўз вазифасига совуқконлиги билан қараётганлиги туфайли маҳсулотларнинг барча қисми ҳам биринчи тақдимда қабул комиссиясидан ўтяпти деб бўлмайди. Албатта, дастлабки иш бошланган давр — 1987 йилга нисбатан цехларда узаро талабчанлик ва масъулият ўсди. Лекин бундай ўсишга ҳозир нуқта қўйиш имкони йўқ. Келинг, яхшиси кўрсаткичларга назар ташлайлик. 1987 йилда давлат қабули комиссияси аъзолари ҳар иккала ҳужжатларни барча маҳсулотлар бўйича, тўла тартибга солиш устида ишлашмоқдалар.

Давлат қабули комиссиясининг аъзолари маҳсулот сифати борасида якуний баҳони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари беришини яхши билишади. Шу туфайли завод техникасини олувчи колхоз, совхозлар, агросаноат комплекслари билан узвий алоқа ўрнатилган. Мутахассислар далаларга чиқиб, айнан ўша ерда машиналарнинг иш жараёнини кузатадилар. Лекин аслида заводнинг ўзидаги назорат — синов станцияларида ниҳоятда серталаб талаб қилиняпти. Комиссия завод маъмурияти билан техникани синаш графикларини тузиб чиққан. Ана шундай соатларда маълум партиялар мутахассислар томонидан мукаммал синовдан ўтказилади. Агар техникаларда носозлик аниқланса, тўла бир партия цехларга қайтарилади. Бу ўринда кўпинча йиғув цехи ишчиларига оғир бўлади. Чунки мазкур цехда охирги технологик жараёнлар амалга оширилади. Машиналардаги носозликлар учун жавоб бериш кўпинча унинг зиммасига юкланади. Лекин барча айбни зиммага олишдан наф йўқ. Шу ўринда цехларнинг бир-бирига талабчанликни ошириб бораётганлигини қайд қилиб ўтиш лозим. Текширувчи мутахассислар фаолиятида ишчиларнинг ўз вазифасига совуқконлиги билан қараётганлиги туфайли маҳсулотларнинг барча қисми ҳам биринчи тақдимда қабул комиссиясидан ўтяпти деб бўлмайди. Албатта, дастлабки иш бошланган давр — 1987 йилга нисбатан цехларда узаро талабчанлик ва масъулият ўсди. Лекин бундай ўсишга ҳозир нуқта қўйиш имкони йўқ. Келинг, яхшиси кўрсаткичларга назар ташлайлик. 1987 йилда давлат қабули комиссияси аъзолари ҳар иккала ҳужжатларни барча маҳсулотлар бўйича, тўла тартибга солиш устида ишлашмоқдалар.

Шунингдек, машиналардаги ўлчов асбобларининг, участкалардаги синаш стендларининг етишмаслиги ишга бирмунча зарар етказяпти. Айниқса, гидрошлангларни мукаммал текшириб бориш ниҳоятда муҳим. Агар улар сифатсиз бўлса далада машинанинг суви оқиб кетиши ва охир-оқибатда бундан яна деҳқонларнинг зарар кўришига тўғри келади.

Давлат қабули комиссиясининг аъзолари маҳсулот сифати борасида якуний баҳони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари беришини яхши билишади. Шу туфайли завод техникасини олувчи колхоз, совхозлар, агросаноат комплекслари билан узвий алоқа ўрнатилган. Мутахассислар далаларга чиқиб, айнан ўша ерда машиналарнинг иш жараёнини кузатадилар. Лекин аслида заводнинг ўзидаги назорат — синов станцияларида ниҳоятда серталаб талаб қилиняпти. Комиссия завод маъмурияти билан техникани синаш графикларини тузиб чиққан. Ана шундай соатларда маълум партиялар мутахассислар томонидан мукаммал синовдан ўтказилади. Агар техникаларда носозлик аниқланса, тўла бир партия цехларга қайтарилади. Бу ўринда кўпинча йиғув цехи ишчиларига оғир бўлади. Чунки мазкур цехда охирги технологик жараёнлар амалга оширилади. Машиналардаги носозликлар учун жавоб бериш кўпинча унинг зиммасига юкланади. Лекин барча айбни зиммага олишдан наф йўқ. Шу ўринда цехларнинг бир-бирига талабчанликни ошириб бораётганлигини қайд қилиб ўтиш лозим. Текширувчи мутахассислар фаолиятида ишчиларнинг ўз вазифасига совуқконлиги билан қараётганлиги туфайли маҳсулотларнинг барча қисми ҳам биринчи тақдимда қабул комиссиясидан ўтяпти деб бўлмайди. Албатта, дастлабки иш бошланган давр — 1987 йилга нисбатан цехларда узаро талабчанлик ва масъулият ўсди. Лекин бундай ўсишга ҳозир нуқта қўйиш имкони йўқ. Келинг, яхшиси кўрсаткичларга назар ташлайлик. 1987 йилда давлат қабули комиссияси аъзолари ҳар иккала ҳужжатларни барча маҳсулотлар бўйича, тўла тартибга солиш устида ишлашмоқдалар.

Давлат қабули иш бошлаганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлсаларда, ишлаб чиқаришда ижобий ўзгаришлар бўлаётганлиги, ишчилар ва мутахассислар ўртасидаги ишончли алоқа ўрнатилганлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатлилиги ошаётганлиги, ишлаб чиқаришнинг ҳаражатлари қисқаётганлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорлардаги талаби ортаётганлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ва ишлатиш даврида ишончли ишлаётганлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи ва хизматчилари доимо қишлоқ аҳлининг, бободеҳқонларнинг ташвиши билан яшайди. Айниқса пахтанинг мўл-кўл бўлиши уларнинг қувончига қувонч қўшади. Қолаверса, бугун деҳқонлар талаби даражасидаги техникани ишлаб чиқариш, унинг юқори сифатлилигини таъминлаш завод аҳли ўз олдига қўйган шарафли вазифаларидан. Яширишнинг нима ҳожати бор, кўп ҳолларда заводларда ишлаб чиқарилаётган яп-янги техниканинг турли нуқсонлар билан далага жўнатилаётганлиги, узоқ йилларга мўлжалланган қишлоқ хўжалик машиналарининг қисқа вақтда ишдан чиқиши ва натижада колхоз ва совхозлардан турли шикоятлар ва эътирозлар олинганлиги ва бу ҳол бугунги кунда ҳам давом этаётганлиги кишини ўйлантириб қўяди.

Хўш, сифат масаласини ҳал қилиш учун нима қилиш керак? «Узбексельмаш»да давлат қабулининг жорий қилиниши масалани кўп жиҳатдан ҳал қилганлигини айтиб ўтиш лозим. Янгича иш кўришга тайёргарлик бу ерда 1986 йилнинг иккинчи ярмидан бошланди. Корхонадаги жорий қилинган ички синовнинг ўзи ҳали бартараф қилиниши лозим бўлган талайгина муаммолар борлиги, уларни юз фоиз бартараф этмасдан тўла аъло сифат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкинмаслигини кўрсатди.

Тайёргарлик группаси янги шароитда қишлоқ хўжалиги, пахтачилик механизацияси сифатини яхшилаш масалалари юзасидан зарур чора-тадбирларни белгилади.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотларига давлат қабули жорий қилинишидан илгари жиддий шикоятлар билдириларди. Шунинг учун ҳам комиссия аъзолари бундай норозиликларга ўрин қолдирмайдиган даражада яхши мутахассис бўлишлари керак эди. Ахир, техник, конструкторлик, технологик жараёнларда, асбобсозлик ва чизмаларда йўл қўйилаётган нуқсонларни бир қарашда оддий мутахассислар дарҳол пайқаб олишмайди.

Давлат қабули иш бошлаган дастлабки ойларда барча қишлоқ хўжалик механизацияси ва 5 турдаги халқ истеъмоли моллари назоратга олинди. Аслида завод ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, жумладан СХУ—4 маркали чигит экувчи универсал машинанинг икки хил варианти, УПХ—1,5В маркали кўсак чувиш машинаси, ПХГ—4 гербицидлар пурковчи мосламаларга бўлган талаб йилдан йилга ошса ошяпти-ки, камаймаяпти. Демак, талабга яраша ишлаш керак. Яширишнинг нима ҳожати бор, корхоналаримиз кўнгандан кейин давлат қабули комиссиясининг ишчилар ва мутахассислар ўртасидаги ишончли алоқа ўрнатил

АДАБИЁТ ва САНЪАТ

Ижодий уюшмаларда

Устав янги бўлади

Ўзбекистон композиторлар союзи правлениесининг раиси Аҳмад Жабборов мухбиримиз саволларига жавоб беради:

— Аҳмад Ҳамидович, ҳозир ҳаётимизнинг барча қатламларида тубдан ўзгаришлар юз беряпти. Композиторлар союзи ҳам бундан мустасно бўлмаса керак?...

— Албатта. Ҳар бир ижодкор, у хоҳ адиб бўлсин, хоҳ машшоқ, хоҳ мусаввир дастлаб одамларга манзур асарлар яратишни ўйлайди. Демак, у ҳаётни яхши билиши, одамлар қўнглидаги дардни илғаши керак. Шу жиҳатдан олганда бастакорларимиз жўшқин ижодий фаолиятда бўлишяпти.

— Яна бир янгилик: ҳозир катта-кичик корхоналар, ҳатто ижодий уюшмалар хўжалик ҳисобига ўтмоқда...

— Бу масала бизга ҳам тааллуқли. Шу йили май ойида ижодий уюшмамизнинг йиғилишида уюшманинг янги Устави лойиҳаси муҳокама қилинди. Унда қатнашган ўртоқлар. лойиҳани асосан маъқуллаган ҳолда қатор ўзгартишлар киритиш зарурлиги ҳақида ҳам сўзлашди. Устав лойиҳаси билан уюшманинг барча аъзоси танишиб чиқиши, сўнгра муҳокама қилиниши зарур деган қарорга келдик.

— Таклифлар эътиборга олинган бўлса керак, албатта?..

— Бўлмасам-чи! Устав ҳозирги кунда 120 нусхада чоп этилди. Ижодий уюшмамиз аъзоларига тарқатилди. 6 сентябрда эса бастакорлар конференцияга йиғилишади. Янги Устав муҳокама қилинади.

— Устав авваллари ҳам бор эдими?

— Аввалги Устав Бутуниттифоқ Композиторлар союзининг ягона Устави эди. Биз қабул қиладиган Устав эса республикамиз бастакорларининг мақсад ва манфаатларини белгилайди.

— Уставда нималар эътиборга олинган?

— Энг биринчи уюшмамиз номи ўзгаради. Аввал «Ўзбекистон Композиторлар союзи» эди, эндиликда эса «Ўзбекистон бастакорлар ва музикашунослар уюшмаси» деб номланади.

Уюшмага қабул қилишда ҳам анча ўзгаришлар мавжуд. Улар Уставда батафсил изоҳланган.

Уставнинг яна бир диққатга сазовор жойи, унда уюшмага аъзо бўладиган музикашунос миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Давлат тилини билиши шарт деган қайд бўлади. Умуман, Уставимиз давримизга ҳар жиҳатдан мос келади.

— У ҳолда бастакорларимиз ижодига парвозлар тилаймиз.

Суҳбатни **Темур ИЎЛДОШЕВ** ёзиб олди.

Санъат оламида

Соз сеҳри

Диктор ширали овозда эълон қилди:

— Энди ўзбек қўйларидан «Чўли ироқ»ни тингланг. Ғижжакда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Шуҳрат Йўлдошев ижро этади.

Ғижжакнинг торлари мўъжиза кашф эта бошлади. Камон теккач у гоҳ нолакор, гоҳ ҳазин, гоҳ ўтли садолар чиқарар, гўёки ошиқ бечора тилга кириб, бутун вужуди ила оҳ чекмоқда эди.

Торлар мўъжиза яратдимикан? Торлар эмас, балки инсон қўлларидир ўша мўъжизакор!? Инсоннинг болаликдан мусиқага, қўшиққа ташна, санъатга ошна қалбидир?!

Қайсидир бир китобда ўқигандим, эҳтимол, Арастуда ёки Афлотундадир: инсон кичик бир нуқтада қарор топиши билан у куйга, қўшиққа ошна бўлади. Она юраги митти мавжудотга муҳаббат туйғуларини изҳор этиб уради: «Болам, болам, болам».

Туғилган гўдак бир олам жаҳон садолар қуршовида қолади. Она алласи, булбуллар сайроғи, шарқироқ сойлар, ҳатто боларилар визиллашию капаланкнинг қанот қоқиши. Улғайиб камолга етган инсон ана шу оҳангларни қадрласа, юраги тубидан ҳапқириб уларга жўр бўлса — ўша инсон санъаткор!

Инсон ўз табиати билан мўъжизакор. Соатлаб бировга бир оғиз сўз тушунтириш гоҳида мушкул. Бошқа созандаларни билмадиму моҳир ғижжакчи Шуҳрат Йўлдошевнинг фикри ана шундай. Мен у билан суҳбатлашиш учун ўзбек давлат филармониясига телефон қилгандим. Телефон дастагини кўтарган киши кулди.

— Паганиниими? Уни бугун уйидан топасиз.

— Нега уни Паганини деб атаяпсиз?

— Маҳоратига тан берганим учун.

Шуҳрат Йўлдошев билан учрашгач, унинг биринчи саволи жуда ажойиб бўлди:

— Тўхтасин Жалиловни кўргансизми?

— Кўрмаганману, лекин жуда яхши биламан. Нима эди? — дедим мен.

— Бобом бўладилар. Болалигимда у киши менга ғижжак олиб келдилар. Бундай ўйлаб қарасам санъатга бўлган муҳаббатим, йўлим, тақдирим ўша куни белгиланган экан.

— Сенинг ғижжакчи сифатида камол топганингни кўрсам эди, — деб орзу қилардилар. Шу сабабли 143-мактабнинг 3-синфини тугатгач, 4-синфдан бошлаб Глиэр номли республика музика мактабида ўқишни бошладим.

Тўхтасин Жалилов номидаги халқ чолғу асбоблари оркестрининг яккахон созандаси Шуҳрат Йўлдошев билан шу куни дилдан суҳбатлашдик. Суҳбат таассуротларини баён этадиган бўлсам, у қуйидагича шарҳланади.

Шуҳрат муаллим Обиджон Холмуҳамедов етакчилигида ғижжак сирларини ташналик билан ўргана бошлади. Тез орада у жаҳон мусиқа дурдоналарини қиёмига етказиб ижро эта бошлади. 1971 йили Тошкент Давлат консерваториясини тугатди. Ўша йили 1-республика халқ чолғулари конкурси, 1973 йили эса Воронеж шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ халқ чолғулари конкурсида ғолиб чиқди — лауреат бўлиб Тошкентга қайтди.

Машҳур итальян бастакори, скрипкачиси — Николо Паганини асарларини моҳирона ижро этгани учун мусиқа мухлислари уни «Ўзбек Паганиниси» деб атай бошлашди.

Шуҳрат ижросида ўзбек халқ қуйлари «Тановар», «Қуйгай», «Чўли ироқ», «Муножот», «Дилхирож», қардош республикалар халқлари қуйлари, совет ва ҳорижий мамлакатлар бастакорларининг машҳур асарлари саҳналардан кўп марта янграган.

1976 йили ижрочиликдаги юксак маҳорати учун Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди. Ҳозирги кунда унинг ижросида 100 дан ошиқ куйлар радио фонотекасида сақланмоқда.

Ўзбек совет мусиқа маданиятини муҳаббат билан ўрганган Шуҳрат созанда-ижрочи сифатида ҳорижий мамлакатларда зўр олқишларга сазовор бўлди. Ў ўзбек бастакорлари билан ҳамиша мулоқотда, уларнинг бир қанча асарларининг биринчи ижрочиси. Сайфи Жалилнинг «Концерт», Турсун Азимовнинг «Концертино», Тўлқин Қурбоновнинг «Концерт — поэма» асарлари Шуҳрат Йўлдошев мисолида ўз ижрочисини топди:

Арам Хачатурян, Мухтор Ашрафий, Тўхтасин Жалилов, Сулаймон Юдаков, Тамарахоним, Малик Қаюмов, Шуҳрат Аббосов, Бернора Қориева, Грейхоним сингари санъаткорлар Шуҳрат Йўлдошевнинг ижрочилик санъатини кўп марта таъкидлашгани ҳеч кимга сир эмас.

Шуҳрат Йўлдошев ҳар доим изланишда, чунки санъат тубсиз, чексиз уммондир.

Журналистнинг жуда қизиқ саволи бор. Ким билан суҳбатлашмасин охирида албатта шу саволни беради. Шуҳрат Йўлдошев ҳам бу «бахтдан бенасиб» қолмади.

— Бахтлимисиз?

— Агар халқим, санъат мухлислари андак бўлса ҳам машқларимдан ором олишган бўлса бахтиёрман! Нега деганда ҳамма касб эгалари халқ учун хизмат қилади. Созанда ҳам.

Шуҳрат Йўлдошев камонини қўлига олди. Уни ғижжак торларига теккизди. Сеҳрли создан сеҳрли оҳанглар тарала бошлади...

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.

Назм дафтаридан

Севги

Мен сени кўнгилга жойлаган эдим,
Кўнгил торлик қилди.
Портлаб кетдим мен.
Йиқилдим
ва лекин енгилганим йўқ,
Майна қилган каби кулиб қўйдинг сен.
Сўнг сени олқишлаб тор сўйласин деб,
Ошиқ машшоққа мен топширдим атай.
Ва лекин у сенга беролмай бардош
йиғлаб юборди.
Сен эсанг-чи парво қилмай ҳеч,
Ва ҳисларинг дилини эзиб,
Тупроққа қординг.

Сўнг шуълалар бошингдан ёғиб,
Ой пойингга тиз чўккан бир он
Юлдуз ярқ этди.
Жажжи ғунча лабида шабнам
Кўнгил очиб қучоқларига
сени беркитди.
Сўнгра сени олам билсин деб
Мен осмонга олиб чиққан дам,
Осмон ловуллаб ёнди.
Ва чидолмай берди қайтариб,
Яна сени қалбга жойладим.
Не бўлур энди?!

ТЎЛҚИН.

Ихчам тақриз

Иқтидор меваси

Саид Равшан дастлаб ўткир фельетончи ва ҳажвиянавис сифатида танилган эди. Кейинчалик бир қанча ҳикоя ва қисса китоблари эълон қилди. Унинг кейинги йилларда чоп этилган «Чордоқдан отилган ўқ», «Дўзах» номли детектив қиссалари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Уруш ҳаёти ҳаётидан олиб ёзилган «Қиронча» қиссаси ҳам ёш китобхонлар учун, шубҳасиз, муносиб туҳфа бўлди.

Қиссадаги воқеалар 1950 йил ёзида бўлиб ўтади. Уруш тугаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Турмуш энди-энди ўнгланиб келаяпти. Биз ана шу даврдаги манзарасини ўн икки ёшли болакай нигоҳи билан кузатамиз. Воқеалар унинг тилидан берилади.

«Олдиндан яхшилаб танишиб олайлик. Менинг исмим Соҳиб, лақабим Қиронча. Бу лақабни менга ким қўйган, нима учун Қиронча бўлиб қолганман — боисини ҳали батафсил сўзлаб бераман. Гапларимга чипта-чин ишонаверинг, агар ёлғон қўшсам, худди пишган тарвуздек тарс ёрилиб кетай....».

Қисса ана шундай соддагина; самимий кириш сўзлари билан бошланади. Муаллиф асар охиригача ана шу соддалик ва самимийликни сақлашга интилади.

Ҳикоячимиз Соҳиб — ўта шўх бола. Уз шўхликлари туфайли жуда кўп бор жазоланади, «бечора»нинг қулоқлари роса чўзилади. Қиронча — танти бола: агар ўзи биларуриб қилган қинғирликлари туфайли қулоқлари чўзилса ғинг этмай чидайди.

Қиронченинг тўрт ўртоғи бор: Жўра ҳўштак, Хайрулла пишиқ, Зариф калла, Олим кичкина.

Ёзувчи уларнинг ҳар бирини ўзига хос гап-сўзлари, хатти-ҳаракатлари, қилиқлари билан кўрсатиб бера олган. Бу болалар ҳам шўх, тиниб тинчимас. Уларнинг яна бир умумий ва бир-бирига яқинлаштирган фазилати — жуда раҳмдилликларидир.

Тенгдошлари Нарзи шпана эса уларнинг тамомман акси. Ҳар доим бир шумлик ва қинғир ишни режалаб юради. Майда ўғирлик билан шуғулланади. Чақимчилик, ғиғвогарликлардан қайтмайди. Бундан ташқари ўз қилмишини бировлар устига ағдаришга ҳам устомон. Аксари Қиронча ва унинг шерикларини ёмонотлиққа чиқариб юради. Шу туфайли Қиронча Нарзи шпанани фош қилишга интилади ва бунга эришади.

Қиссадаги Сано зовуд — эсда қоладиган, анча ҳаётий чиққан образ. Қиронча уни дастлаб қизи ва Зокир полвон ўртасидаги севгига тўсқинлик қилгани учун ёқтирмай юради. Кейин ўртада бошқа гап чиқиб қолади. Ун тортишга борганда тегирмончи Сано зовуд Қиронча ва шерикларини полиздан қовун ўғирлаб келишга юборади. Болалар эса қовун ўрнига тарвуз келтиришади. Бундан Сано зовуднинг жини қўзиб, ҳамма тарвузларни уларга қараб улоқтиради. Қиронча ҳеч нарсага тушунмайди. «Шунча меҳнат қилиб, тарвуз келтирсагу, у бизни қувиб юборди», деб жаҳли чиқади, ундан ўч олмоқчи бўлади. Гоҳ солидол отиб тегирмон тасмасини ишдан чиқаради, гоҳ Сано зовуднинг юрар йўлига, ҳовлисига, тегирмон атрофига тарвуз отади.

Биз тарвуз деталига қизиқиб борамиз. Маълум бўладики, Сано зовуд ёшлигида ҳам анчагина қўлэгрилик билан ном чиқарган экан. Бир сафар тарвуз ўғирлаб қўлга тушганида орқасига қиздирилган капгир босишган экан.

Бир пайтлардаги қилмишларн уни умр бўйи таъқиб қилади. Ҳатто ўғли тенги бола олдида ҳам тили қисиқ. Қиронча «Ҳой бигиз, аҳволлар қалай?», деб тегишмоқчи бўлганида ундан дарҳол: «Қиздирилган капгирдай», деган бийрон жавоб олиб, мулзам тортади.

Қиссада шундай бир ҳолатни кузатамиз. Кетталар хатти-ҳаракати— у яхшими, ёмонми, болалар назаридан четда қолмайди. Айниқса, қинғир ишлар уларнинг қаттиқ эътирозига учрайди. Сано зовуд, Ашур мўйлов, Жавлон тўғаю Бадраевлар Қиронча ва унинг шериклари сиймосида ўзи покиза болаликларини кўришади.

Орзиқул ЭРГАШЕВ.

Рашк

(Ҳикоя)

ДИЛОРНИ рашк қийнайди. Уларнинг орасидан қора мушук ўтдими, кейинги пайтда ширин турмушлари пашша тушган ошга айланди-қолди.

Барига Соранинг автобусда айтган гапи сабаб: «Шоферларнинг хотинларига ҳайрон бўласан киши. Йўлдан ёнига учраган таннозни олиб айш-ишрат қилиб юради, хотинлари бўлса, эри ишдан келмагунча овқатини ҳам емай кутиб ўтираверади-я!..»

Ўшанда гарчи гап Дилорга қарата айтилмаган бўлса-да, у ўзини қўярга жой тополмай қолди. Дугоналари ҳам фақат унга қарашаётгандай туюлди. Қаттиқ йўталди, нафаси тиқилди. Манзилига етмасдан тушиб қолди. Нима учун бу бекатда тушиб қолганлигини ўзи ҳам билмасди. «Нодир акамни ҳам одамлар шунақа деб ўйлашармикин. Сора ҳақиқатан ҳам ҳақ бўлса-я. У мени назарда тутиб айтаётган бўлса-чи».

Ажабо, шу вақтгача Нодир акасини бирон аёлдан рашк қилмаган, ўзига ишонгандай ишониб юрган Дилор мана энди босган қадамини суриштирадиган бўлди. Натижада оиладаги тотувликка дарз кетди. Дилорнинг гапларидаги чалкашликлар, муомаласидаги совуқликлар Нодирни ҳам ўйлантириб қўйди. Хотинидан сўрамоқчи бўлардию, гап очилиб қолар дея, яна жим қоларди. Илгарилари ишдан кейин Нодирни кутиб ўтирадиган Дилор энди уни кутмайдиган, эри келгунча ухлаб қоладиган одат чиқарди.

Нодир кўнгли чўккан хотинидан хавотирланиб, бирор ширин сўз билан унинг юрагини ёзишга ҳаракат қиларди.

Вақт елдирим. Бир зумда уч йил ҳам ўтиб кетибди. Қишлоқ касалхонасига навбатчи шофёр бўлиб ишга келган Нодиржон биринчи марта ҳамшира қиз Дилор билан танишганига тўрт йил, тўйлари ўтганига уч йил тўлибди. Бугун ораларига зил кетишини ҳеч ҳам ўйламаганди.

Эрталаб энди ишга отланмоқчи эди, Дилор бирдан унинг йўлини тўсди.

— Бугун ишингиздан ҳисоб-китоб олиб келасиз. Автобазада акам машина гаплашиб қўйибди. Иши фақат кундузи экан.

Нодир аввалига индамади. Узоқ сукутдан кейин:

— Бу ерда мен кам бўлаётганим йўқ. Янги уй беришди. Ойлигимни ошириб қўйишди. Бундан ортиқ яна нима керак, Дилорхон? — деди.

Дилорнинг юзлари тобора туманлашиб борарди. У оғзига келган сўзни қайтармай тўкиб солди:

— Биламан, нимага бу ердан кетолмаслигингизни, яширмай қўяқолинг. Тунда ҳамшира қизлар билан учрашиш қулайроқ. Айш-ишратга бемалол вақт топилади. Шундай эмасми, дадаси?..

— Нималар деяпсиз, Дилорхон? Нима бўлди сизга, ахир?

— Майли, сиз ўша... — Дилорнинг нафаси тиқилиб гапиролмай қолди. Боласини бағрига босганча ичкари уйга йўналди. — Менинг бошимни очиб қўйинг. Бундай яшашга ортиқ чидолмайман, чидолмайман!..

Нодир бирон нарса демади. Фойдаси йўқ эди-да.

Бу гаплар бўлганига ҳам бир ҳафта ўтди. Энди у тунги сменага қолмай қўйди. Ҳар куни уйига боради. Лекин ташқаридан ётиб, ташқаридан қайтади. Дилор эса уй эшикларига қулф солиб онасиникига кетиб қолди.

Бир куни Дилор магазин олдида Сора билан учраш-иб қолди.

— Ҳай, — деди у ҳовлиқиб. — Эрингизни бир келгинди врач қиз бошини айлантириб юрибди. Сизга маслаҳатим, тезроқ ҳовлини номингизга ўтказиб олинг, бўлмаса, армонда қоласиз, синглим. Бунақа ишлар бизнинг бошимиздан ўтган, оповси.

Бу гапни эшитгандан кейин Дилорнинг юрагига олов кирди. Шу куниёқ эри ишлаётган касалхонага йўл олди.

Касалхона дарвозаси олдидаги «Тез ёрдам» пункти ия очиқ. Ичкаридан икки аёл ва бир эркак кишининг овози чиқиб турарди. Дилорнинг юраги орзиқиб кетди: Нодир!.. Ўзини тутиб олиб, скамейкага аста ўтирди. Ичкаридаги суҳбатга қулоқ тутди.

— Сорахон сизга туҳмат қилибди-да, Нодир ака. Нега буни Дилорхонга айтмайсиз?

— Айтмоқчийдим, лекин у эшитишни ҳам, тушунишни ҳам истамади.

— Нега энди кетмоқчи бўляпсиз? Болангизни ўйламайсизми?

— Болам туну кун кўз олдимдан кетгани йўқ. Қани энди, Дилор олдимда бўлсаю, ҳаммасини рўй-рост гапириб бersам.

Дилор ўзини тутолмади. Эшик пардасини кўтариб, ичкарига кирди. Ҳамширалар ҳанг-манг бўлганича, бирин-кетин ташқарига чиқиб кетишди. Орага анчагача сукунат чўкди. Кимдир дераза олдидан бола кўтариб ўтди. Дилор тилга кирди:

— Вазирани қўшнимизникига ташлаб келгандим, йиғлаб, қолган бўлса-я!..

Дилор хонадан шошиб чиқиб кетди. Нодир эса деразага суянганча тик қолди. Елкасидан гўё оғир юк ағдарилгандай эди.

Эсонали ОТАХОНОВ.
Фарғона области.

СУРАТДА: Элбек Мусаев, Бадал Нурмуҳамедов ва Мираббос Мирзааҳмедовлар «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви сценарийсини муҳокама қилмоқдалар.

Экран ортидаги заҳматкаш

Ҳар бир касбнинг қалби, вужуди билан фидойиси бўлади. Ўзбекистон телевидениесида кўп йиллардан берн режиссёр бўлиб ишлаб келаётган Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Мираббос Мирзааҳмедов ҳам ана шу фидойилардан биридир.

Телевидениенинг «Миниатюралар театри», «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» сингари кўрсатувлари эл эътиборини қозонган. Томошабинлар сабрсизлик билан кўрсатув бўладиган кунни кутишади. Бу кўрсатувларнинг шунчалар машҳурлиги аввало Мираббос Мирзааҳмедовнинг номи билан боғлиқ. Ушбу кўрсатувларнинг тобора долзарб темаларда, ўткир ижтимоий масалаларни кўтараётганлигини, мухлислар ўз мактубларида қайд этишмоқда. «Бунга сабаб нима?» деган саволимизга режиссёр қуйидагича изоҳ берди:

— Телевидение билан мулоқот одамларнинг дунёқарашида маълум ўзгаришлар ясайди. Тўғрулик йилларида телевидениенинг аксар кўрсатувларида инсоннинг айрича қарашлари, ўз оғриғи, нафаси борлиги унча сезилмасди. «Зангори экран»да пайдо бўлган минглаб одамлар бир хил қолипда фикр юритишарди. Бугун эса ана шу «темир қолип» синдирилди. Ҳатто қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа мавзулардаги кўрсатувлар ҳам ҳис-ҳаяжонга тўла. Куни кеча пичир-пичир қилиб, фақат қулоққа шипшитиладиган гаплар бугун миллионлаб томошабинларнинг диққат марказида турибди.

Аввллари ҳар бир эшиттиришнинг «қайчи теккан» жойлари бўларди. Буни, айниқса, «Шанба, нонуштадан сўнг» программасида кўрсак бўларди. Эшиттириш намойиш этилаётган пайтда баъзи жойларидан воз кечишга тўғри келарди. Чунки сартарош танқид қилинса — аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри; бригадир танқид қилинса — қишлоқ хўжалик министри — хуллас қўли узун «акажон»лар телевидение раҳбарларига зуғум ўтказишарди. Гарчанд бу интермедия адрессиз бўлса ҳам, сиркаси сув кўтармайдиган раҳбарлар ўз соҳаси билан шуғулланиш ўрнига «муҳаррирлик» қилишарди.

Кўпинча бадиий асарда танқид қилинаётган кимса бирор амалдорнинг дўсти ёки катта холасининг ўғлининг исмига отдош бўлиб қолмасин учун персонажларнинг номи ижрочи актёрнинг исми билан Эргаш, Садир, Ҳасан, Ҳусан, Роза, Абдураҳмон деб ўзгартириларди.

Бир сафар «Баҳс»нинг навбатдаги кўрсатувини Тошкент область Оржоникидзе район «Правда» колхозида тайёрлаган эдик. Кўрсатувда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти студентларидан ташқари шоирлардан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, ёзувчилардан Ўткир Ҳошимов, Дадахон Нурий иштирок этишган эди. Ўша йили пахта даласида бир чигит қолмаган, ҳатто пайкаллар ҳайдалган, лекин студентларни далада ушлаб туришарди. Чунки «махсус топшириқ»сиз ҳеч ким жавобгарликка тортилишни хоҳламасди. Кўрсатувимиз пахтанинг машаққатлари ҳақида эди. Ёзувчи ва талабалар жон қуйдириб гапиришди. Лекин кўрсатув телевидениеда «дўппосланди» ва эфирга берилмади. Менинг дакки эшитганим қолди, холос. Зудлик билан ўчириб ташлашни буюришди...

Ҳозир эса давр бошқа, шарт-шароит бошқа. Ҳаётда бор гапни дадил, рўй-рост айтишимиз мумкин. Буни томошабиларимиз ҳам кўриб, билиб туришибди...

Мираббос Мирзааҳмедов режиссёр сифатида ўнлаб спектакллар саҳналаштирди. Одил Ёқубовнинг «Мирзатерак», «Излайман», «Биллур қандиллар», Пиримқул Қодировнинг «Эрк», «Уч илдиз», Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди», «Инсон садоқати», «Қалбингга қулоқ сол», «Нур борки, соя бор» ва бошқа асарлар шулар жумласидандир.

Бу спектакллар асосан қайси жиҳатлари билан характерланади? Тўрғунлик йилларининг қолипида яратилган асарларнинг қаҳрамонлари маҳбубаси билан учрашса, фақат пахта ҳақида гаплашишарди. Ёхуд қиз ошиққа пахта плани тўлгунча қорангизни кўрсатманг, дерди. Ахир кун бўйи кетмонни қучоқлаган деҳқон йигит висол чоғида балки маъшуқасининг қўлини силар деб ҳеч ким ўйламасди.

Мираббос Мирзааҳмедов биринчилар қатори инсоннинг қишлоқ хўжалигидан ҳам бошқа ўй-мулоҳазалари, изтироблари, интилишлари бор эканини кўрсатди.

Телевидение—эзгулик минбари. Шунинг учун у санъаткорларни элга танитишда кўприк ролини ўтайди. Ойнаи жаҳон орқали бўй кўрсатган ёш ижодкорлар тезда тилга тушишади, унвонлар олишади, назаркарда бўлишади.

— Аммо шу кўрсатувни тайёрлаб экраннинг нариги ёғида қолиб кетган заҳматкашлар ҳамиша қадрланавермайди, — дейди Мираббос Мирзааҳмедов, — бунга сира ҳам афсус чекмайман. Чунки биз тайёрлаган кўрсатувларни кўриб у телеспектаклми, «Баҳс»ми, миниатюраларми — барибир, кишилар маънавий озиқ олса, ўзига тегишли хулоса чиқарса бас.

Мираббос Мирзааҳмедов билан суҳбатлаша туриб бундан йигирма йиллар бурун телевидение имкониятлари бунчалик кенг бўлмаган пайтда ҳам ҳозирги кунга нисбатан кўпроқ спектакллар тайёрлаганини, ҳар душанба куни янги спектакль намойиш қилинганини эсладим.

Ўзбекистон телевидениесининг бўлғуси кўрсатувлари янада мазмунлироқ бўлади деган умиддамиз. Долзарб масалалар бўйича муросасиз кўрсатувлар, бадиий жиҳатдан юксак спектакллар кўришга иштиёқмандмиз. Уларни тайёрлаганлар орасида ўз соҳасининг ҳақиқий жонкуяри Мираббос Мирзааҳмедовнинг бўлиши шубҳасиз.

Тўра МИРЗО.

Латифалар

СОВҒА ШЕЪР

Афанди баъзан шеър машқ қиларди. Кунларнинг бирида илҳом оғушида ўтирган эди, ёш хотини қаршисига келиб сўз қотди:

— Адаси, сизнинг анави сигарет сотадиган дўстингиз бор эди-ку, ўшанга-чи, меннинг гулчи дугонам турмушга чиқаётган экан. Тўйга айтиб кетишди. Нима совға олиб борамиз-а? Фикру-хаёли паришон бўлиб кетган Афанди бироз ўтгач, шоирлиги тутиб, хотинига қироат билан хитоб қилди:

Келинга гулдон,
Куёвга кулдон,
Ушбудир совға,
Қилма кўп ғовға.

СОВУН

Афанди шийпонда ҳордиқ чиқариб ўтирганди, кўчадан ўғли кириб келди-да:

— Янги қўшнимизнинг ўғли ғайрат билан ўйнаётгандим, коптон бошига қаттиқроқ тегиб кетувди, ойиси чиқиб қолди-да: «Санлар ҳали меннинг совунимга кир ювмаган экансанлар» деб, қаттиқ бақириб қувлади, — деди йиғламсираб.

— Қуявер ўғлим, шундай деган бўлса, буёғи айни муддао бўлибди, ўзи онанг ҳам «Совун топиб келинг» деб хуноб қиладётган эди, — деди Афанди мамнун бўлиб.

АҲИЛЛИК РАМЗИ

Афанди қадрдон дўстининг-да меҳмонда ўтирарди. Шунда қўшни хонадан чақалоқнинг йиғиси эшитилди. Хонадон соҳиби қаддини базўр тутиб юрган боланкайга буюрди:

— Дарров уванг-ча қара-чи!

Хайратомуз ҳолатдаги Афанди сўради:

— Унасини овутадиган бу аканинг ўзи неча ёшда?

— Ҳа, бу натта ўғлимиз, бир ёшлигини менимча, ўтган ҳафта нишонладик, — деди дўсти хижолатомуз.

— Жуда соз, доно халқимиз «Аҳил оилада бешик бўшамас», деб шуни айтадилар-да, — деди Афанди мийиғида кулиб.

Фозилжон ОРИПОВ.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Ўқишга марҳамат!

«Узбекгеология» Бош бошқармасининг
ТОШКЕНТ ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ТЕХНИКУМИ
қуйидаги ихтисослар бўйича
КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Геология, фойдали қазилма конларини излаш ва разведка қилиш, фойдали қазилма конларини излаш ва разведка қилишнинг геофизик методлари, гидрогеология ва инженерлик геологияси, геология ва фойдали қазилма конларини разведка қилиш техникаси, электрон-ҳисоблаш машиналари ва автоматлашган системалар учун программалаштириш (фақат кундузги бўлим), **бухгалтерия ҳисоб-китоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш** (фақат кундузги бўлим).

Ўзбек ва рус группаларига тўлиқ ўрта мактабларни (10 ёки 11-синф) тамомлаган ўқувчилар қабул қилинади.
Ўқиш муддати — 3 йилу 6 ой.

Қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширилади: математика (оғзаки), рус тили ва адабиёти (иншо) — рус группасига кирувчилар учун; математика (оғзаки), ўзбек тили ва адабиёти (иншо) — ўзбек группасига кирувчилар учун.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: белгиланган тартибда директор номига ариза, маълумот ҳақидаги ҳужжат (асли), медицина справкаси (086/У форма), 4 дона фотосурат (3х4 см), меҳнат дафтарчасидан ёки колхозчи дафтарчасидан кўчирма (кўчирма маъмурият томонидан тасдиқланган бўлиши керак), бунда иш стажи кўрсатилади. (Чунончи, сиртқи бўлимга ўқишга кираётганлар учун ҳам меҳнат дафтарчасидан кўчирма тақдим этиш тааллуқлидир).

Паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга чақирилувчилар рўйхатида турганлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар 31 июлгача; сиртқи бўлимга — 3 октябрдан 30 ноябргача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари — 1 ноябрдан 25 декабргача ўтказилади.
Кундузги бўлимга ўқишга кирганлар умумий асосларда стипендия билан таъминланади.
Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.
Техникум адреси: Тошкент шаҳри, 95-алоқа бўлими, Студентлар шаҳарчаси, Қамарнисо кўчаси, 1-уй.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
ТОШКЕНТ СОВЕТ САВДО ТЕХНИКУМИ
янги ўқув йилига
қуйидаги мутахассисликлар бўйича
10-синф маълумоти билан
КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Таом тайёрлаш технологияси, товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, савдода бухгалтерия ҳисоби.

ЎҚИШ МУДДАТИ:
товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, ҳамда бухгалтерия ҳисоби мутахассислигида — 1 йилу 10 ой.

Таом тайёрлаш технологияси мутахассислигида — 2 йилу 6 ой.
Кундузги бўлимга ёши 30 дан ошмаган кишилар қабул қилинади.

Сиртқи бўлимга эса ёшидан қатъий назар савдо ва умумий овқатланиш соҳасида ишлайдиган кишилар қабул қилинади.
Ўрта мактабни олтин ёки кумуш медаль билан тугатган кишилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРИЛАДИ:

товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш ҳамда таом тайёрлаш технологияси мутахассислиги бўйича ўзбек ёки рус тили ва адабиётидан (иншо), химиядан (оғзаки).

Товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш ҳамда бухгалтерия ҳисоби мутахассисликлари бўйича математика (оғзаки), рус ёки ўзбек тили ва адабиётидан (иншо).
Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: аттестат (асл нусхаси), медицина справкаси (086/У форма), 4 дона фотосурат (3х4 см.), ишлайдиганлар учун меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

Ҳужжатлар топширилаётган пайтда паспорт, ҳарбий билет ёки чақирув гувоҳномаси шахсан кўрсатилмоғи лозим.
Кундузги бўлимга: аризалар 31 июлгача қабул қилинади, имтиҳонлар 21 августгача ўтказилади.
Сиртқи бўлимга: 10 августгача қабул қилинади, имтиҳонлар 20 августгача ўтказилади.

Адрес: 700059, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 105-уй. Транспорт: 7, 24, 28-трамвайлар; 79, 99-автобуслар; 2-троллейбуснинг «Западная кўчаси» бекати («Нептун» кафеси).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
Тошкент Халқ таълими Бош бошқармасининг
37-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1989-90 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

Ўқувчилар қабул қилади

БИЛИМ ЮРТИ «СИГНАЛ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ, ЭКСПЕРИМЕНТАЛ-МЕХАНИКА ЗАВОДИ УЧУН

электр-газ пайвандчи, радиоэлектрон аппаратуралар ва приборлар монтажчиси, универсал токарь, универсал фрезерчи, металл конструкцияларни йиғувчи слесарь ихтисослари бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Ўқиш муддати: ўрта маълумотлилар учун — 6 ой.
Ўқишни тамомлаб чиққандан кейин «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси битирувчиларни навбатда туриш тартибида квартира билан таъминлайди. Бирлашма болалар боғчаси, пионер лагери, дам олиш зонасига эга.

Ўқишга Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчларини ўтаб қайтган ёшлар ва 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган қизлар қабул қилинади.
БИЛИМ ЮРТИ «ТАШМЕТРОСТРОЙ» ТРЕСТИ УЧУН

электр-газ пайвандчи, контроль-ўлчов приборларни ва автоматларнинг оператори, сувоқчи-бўёқчи, автослесарь ихтисослари бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Ўқишга ўрта мактабларнинг 8-синфларини битирган ўқувчилар қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ЙИЛ. ДАРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Д-20 кварталы, 35«а» уй. Телефон — 76-89-05.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
П. Ф. БОРОВСКИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ
1989-1990 ўқув йилига

қабул эълон қилади

Билим юрти медицина ходимлари тайёрлайди.

10-синф ҳажмида маълумотлилар қуйидаги бўлимларга қабул қилинадилар: МЕДИЦИНА ҲАМШИРАСИ, БОЛАЛАР ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИ УЧУН МЕДИЦИНА ҲАМШИРАСИ (ўқиш муддати 1 йилу 10 ой), ФЕЛЬДШЕР (ўқиш муддати 2 йилу 6 ой).

Ҳужжатлар 14 августгача қабул қилинади.
Имтиҳонлар: она тили (иншо), химиядан (ёзма).
Кечки бўлимга, медицина ҳамшираси касбига, 10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлиб, бирор бир медицина муассасасида ишловчилар қабул қилинади.
Аризалар 15 сентябргача қабул қилинади.
Имтиҳонлар: она тилидан (иншо), химиядан (ёзма).

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, даволаш-профилактика муассасасидан берилган 086/У формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар якшанба кунларидан ташқари, ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳри, 15-алоқа бўлими, Боровский кўчаси, 8-уй (1, 2, 3, 4, 5, 13, 22, 25, 28-трамвайларнинг «Санъат музейи» ёки «Куйбишев кўчаси» бекати); 1, 5, 8, 10, 17-троллейбусларнинг «Тошсовет касалхонаси» бекати).

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги
С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 33-АВИАЦИЯ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича
1989-90 ўқув йили учун

Ўқувчилар қабул қилади

Учиш аппаратларининг йиғувчи-слесари, механика-йиғув ишлари слесари, учиш аппаратлари деталларини тайёрлаш ва парчинлаб иш бажариш слесари, кенг профилдаги станокчи, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, фрезерчи, газ-пайвандчи.

Билим юртига 8—10 синф маълумотидаги йигит ва қизлар қабул қилинади.
10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар, шунингдек, Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган ёшлар учун ўқиш муддати — 6-10 ой.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.
8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1, 2, 3 йил.

1—2 йил таълим олган ўқувчиларга тегишли касб бўйича малака оширганлиги ҳақидаги ҳужжат берилади.
2—3 йил таълим олган ўқувчилар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлагач ўқувчиларга танлаган касби бўйича малака оширгани ва ўрта маълумот олгани ҳақидаги диплом берилади.

1 йилгача муддат билан таълим олган ўқувчиларга ойига 65 сўм стипендия тўланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ўзлари ишлаб топган иш ҳақининг 50 фоизи тўланади ва стипендиялари сақлаб қолинади.

Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.
Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юрти яхши спорт базасига эга. Авиамоделчилик тўгараклари, миллий чолғу ансамбли, духовой оркестр, вокал чолғу асбоблари ансамбли ва расм чизиш студияси ишлаб турибди.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ўқув юртларининг кундузги ва кечки бўлимларига, шунингдек олий ҳарбий билим юртларига ўқишга юборилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги ҳужжат ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (086/У форма), 6 дона фотосурат (3х4 ва 4х5).

Адрес: 700207, Тошкент шаҳри генерал Петров кўчаси 331-уй (8, 30, 106, 151, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номли билим юрти» бекати). Телефонлар — 96-58-20, 96-39-72, 96-47-70.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигининг
«УЗЭЛЕКТРОНМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги
47-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1989-1990 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

РАДИОЭЛЕКТРОН АППАРАТУРАЛАР ВА ПРИБОРЛАРНИНГ СЛЕСАРЬ-ЙИҒУВЧИСИ, РАДИОЭЛЕКТРОН АППАРАТУРАЛАР ВА ПРИБОРЛАРНИНГ МОНТАЖЧИСИ, КЕНГ ПРОФИЛЛИ СТАНОКЧИ.
ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йил, ўрта маълумотлилар учун эса 6 ва 8 ой.
3 йил ўқийдиган ўқувчилар давлат таъминотида бўладилар, 6 ва 8 ой ўқийдиган ўқувчилар эса ҳар ойда 70 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Билим юртида турли хил тўгараклар ва спорт секциялари ишлайди.

Билим юртини битирганлар Тошкент электромеханика заводига ишга юборилади. Аъло баҳолар билан битирганлар эса олий ўқув юртига ўқишга юборилади.
Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 086/У формадаги медицина справкаси, яшаш жойидан справка, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9 ДАН 16.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Сергели — 2, 64 «а» уй (58, 75, 98, 99, 104-автобуслар; 19-троллейбус, 18-маршрутли таксининг «Сергели» савдо маркази бекати).

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг «Таштройтранс» транспорт ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли
9-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА

«БЕЛАЗ-548 А», «КРАЗ-256» прицепли автомобилларида ишлаш учун «В, С, Е» категориядаги ҳайдовчилар

КЕРАК

Оилали кишилар навбатга туриш тартибига кўра квартира билан, ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Нариманов шаҳри, Лихачев кўчаси, 2-уй (171, 183-автобусларнинг «9-Автобаза» бекати; 15, 68-автобусларнинг «Қўйлиқ» бекати).

Тошкент тўқимачилик комбинатининг
Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ТЕХНИКА САРОЙИ
қуйидаги тўгаракларга
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ФОТО, КИНО, РАДИОТЕХНИКА:

ШУНИНГДЕК БАРЧА МАРКАЛАРДАГИ ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА **8 ойлик таълим курсларига ҳам қабул эълон қилинади.**

Ўқиш — пуллик.

Машғулотлар группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 45-уй. Тўқимачилар маданият саройи, 38-хона.

Телефон — 53-36-65.
Қабул ҳар куни, шанба ва якшанбадан ташқари, соат 10 дан 12.00 гача.

С. Раҳимов район соғлиқни сақлаш бўлимининг 4-болалар поликлиникасига берилган 50831 сериядаги 065351—066000 номерли касаллик варақаларининг йўқолган

ТОЗА БЛАНКАЛАРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Киров районидаги 240-мактабга берилган ўрта маълумот ҳақидаги Д 731036, Д 731037, Д 731038, Д 731041, Д 731042, Д 731044, Д 731043, Д 731045, Д 731046, Д 731047, Д 731048, Д 731049, Д 731050 номерли аттестатларнинг йўқолган

ТОЗА БЛАНКАЛАРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Досуг» кооперативининг йўқолган

ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳридаги СССР Давлат интурист комитети бўлимига тегишли ГТ-1 36662015; ГТ-1 3662016; ГТ-1 3662017; ГТ-1 3662018; ГТ-1 3662019; ГТ-1 3662020; ГТ-1 3662021 номерли меҳнат дафтарчаларининг йўқолган

ТОЗА БЛАНКАЛАРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Беруний номидаги Тошкент политехника институтига зарур моллар олиш учун берилган 948, 961, 962, 963 номерли йўқолган

ИШОНЧ ҚОҒОЗЛАРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига берилган 5055099 номерли йўқолган

ТОЗА МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор район социал таъминот бўлимига берилган йўқолган

ШТАМП
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор райпишчеторгига қарашли 5/1-магазиннинг йўқолган

БЕШБУРЧАКЛИ ШТАМПИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТЎЙЛАР МУБОРАК!

АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИНИНГ
тўй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослаштирилган ва замонавий репертуарга эга бўлган

«САМО» АНСАМБЛИ

БАХТ ВА ШОДЛИК ОҚШОМИНИ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТКАЗИШДА ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!

Ансамблни кассага пул тўлаш йўли билан тўйхонага таклиф қилишингиз мумкин.

Буюртмалар олдиндан ҳар куни соат 17.00 дан маданият саройининг 2-қават, 90-хонасида қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Авиасозлар шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, Авиасозлар маданият саройи (15, 23, 48, 72, 154, 164-автобуслар; 3, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи» бекати). Метронинг «Чкалов» станциясигача борилади. Телефон: 96-55-81.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармасининг
12-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1989-1990 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҚУРУВЧИ-ДУРАДГОР, БЎЁҚЧИ-СУВОҚЧИ, ЭЛЕКТРПАЙВАНДЧИ, СУВОҚЧИ-ГАНЧ ЎЙМАКОРИ, ҒИШТ ТЕРУВЧИ.
ЎҚИШГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ПОЙТАХТГА ЯҚИН РАЙОНЛАРИДА ЯШОВЧИ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар 3 йил ўқийдилар ва бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. 10 йиллик маълумотга эга бўлганлар учун ўқиш муддати 6 ой ва 1 йил.
Ўқишни битирганлар ўрта маълумот ва касб эгаллаганликлари ҳақида диплом оладилар.
Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 проценти ўқувчиларга берилади.
ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.
Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар. Совет Армияси сафларида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар ва ўрта мактабни тугатганлар учун билим юртида қисқа муддатли 6 ойлик электр-пайвандчи ва ғишт-теруви мутахассисликлари бўйича курслар очилган. Уларга 96 сўмдан стипендия тўланади.
ЎҚИШ РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.
Билим юртида турли тўгараклар, спорт секциялари, вокал-чолғу ансамбли ишлаб турибди.
Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см, ҳажмида), таржиман ҳол, характеристика.
ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА (якшанбадан ташқари) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, А. Икромов райони, 26-квартал, 1-уй (3, 54, 187-автобусларнинг «12-квартал»; 4, 9, 17- трамвайларнинг «30-поликлиника» бекати). Телефон — 76-27-56, 76-36-58.

ТОШКЕНТ «ТАШГОРФОТО» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ



27—28 июлда
бирлашма усталари тақдим этган, шунингдек кооперативлар ва шаҳардаги ҳаваскор сураткашларнинг
сураткашлик ишлари конкурси ўтказилади.
Кўргазма қуйидаги адресда жойлашган «Ташгорфото» бирлашмасининг биносида ўтказилади: Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 5-уй (7, 16-трамвайлар; 31, 47, 64-автобуслар; 4, 8-троллейбусларнинг «Ғунча» кинотеатри» бекати).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОССНАБИ
РЕСПУБЛИКА КОММЕРЦИЯ-АХБОРОТ МАРКАЗИ
1990 йилдан бошлаб

«Скайсет Лимитед» инглиз фирмаси томонидан рус тилида нашр этиладиган
АХБОРОТ-РЕКЛАМА ЖУРНАЛИГА ОБУНА ЎТКАЗАДИ
Журналда халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун саноат ускуналари ҳақидаги ахборотлар берилиб борилади.
Таҳминий йиллик обуна баҳоси — (1 йилда) 6 нусха 45 сўм.
Обуна бўлиш муддати — 1989 йил 1 августгача.
Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700038, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй. Телефон — 44-08-54.

«ВОСТОК» КЛУБИ
«ПАРВОЗ» ХАЛҚ АНСАМБЛИНИНГ РАҚС ГРУППАСИГА
(халқ рақслари)
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Группага 12 ёшдан 35 ёшгача бўлган қизлар ва йигитлар қабул қилинади.
Бадиий раҳбар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Насиба МАДРАҲИМОВА.
БОЛАЛАР РАҚС ГРУППАСИГА.
Группага 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган қизлар ва ўғил болалар қабул қилинади.
Хоҳловчилар «Восток» клубида ҳар куни соат 10 дан 18.00 гача рўйхатга олинади.
Адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй (18, 28, 91-автобуслар; 7, 8, 11, 16-трамвайлар; 4, 8-троллейбусларнинг «Санъат саройи» бекати).
Справкалар учун телефон — 41-05-50.

БУТУНИТТИФОҚ ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ ВА ИНФОРМАТИКА БЎЙИЧА
ТАРМОҚЛАРАРО ИЛМИЙ-ЎҚУВ МАРКАЗИ
Ўрта Осиё филиалининг директори лавозимига

САЙЛОВ ЎТКАЗАДИ

Конкурсда информатика, ҳисоблаш техникаси, автоматлаштириш бўлимлари бўйича фан доктори ёки кандидати илмий даражасига эга бўлган, шунингдек, мазкур соҳада илмий ишлар қилган ҳамда илмий-раҳбарлик лавозимларида камида 10 йиллик илмий ва ташкилотчилик иш тажрибасига эга бўлган кишилар қатнаша оладилар.
Аризалар 1989 йил 22 августгача қабул қилинади.
Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Киров кўчаси, 4-уй. Телефонлар — 33-51-77, 33-80-02.

Кино

24 ИЮЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
Санъат саройи — «ЗАҲАР» (17, 20.00, катта зал; 18, 21.00, кичик зал).
Чайка — «ЗАҲАР» (17.40, 21.00).
Дружба — «ҚУЛ» (17, 20.00).
Нукус — «ИНТИЛИШ» (17, 20.30).
Ватан — «ҚАЧОНЛАРДИР» (17.30, 20.30).
Лисунов номли— «ЁШЛИК—ҒУРЛИК», «ҲАММАСИ • ЎЗГАРАДИ» (17.30, 21.00).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «АЁЛ ВА ЭРКАК 20 ЙИЛДАН СЎНГ» (жуфт соатларда),
Фестиваль — «ИНТЕР ҚИЗ» (21.50).
Хива — «ИНТЕР ҚИЗ» (22.15).

25, 26 ИЮЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
Санъат саройи — «ЗАҲАР» (11, 14, 17, 20.00, катта зал; 12, 15, 18, 21.00, кичик зал).
Чайка — «ЗАҲАР» (11, 14.20, 17.40, 21.00).
Дружба — «ҚУЛ» (11, 14, 17, 20.00).
Нукус — «ИНТИЛИШ» (11, 14, 17, 20.30).
Ватан — «ҚАЧОНЛАРДИР» (11.30, 14.30, 17.30, 20.30).
Лисунов номли — «ЁШЛИК — ҒУРЛИК», «ҲАММАСИ ЎЗГАРАДИ» (10.30, 14, 17.30, 21.00).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «АЁЛ ВА ЭРКАК 20 ЙИЛДАН СЎНГ» (жуфт соатларда).
Фестиваль — «ИНТЕР ҚИЗ» (21.50).
Хива — «ИНТЕР ҚИЗ» (22.15).

Автомат-жавоб берувчи телефонлар:
Дружба — 67-96-87
Ўзбекистон ССР 25 йиллиги — 53-65-87
С. Раҳимов номли—48-46-71
Ҳамза номли — 91-10-51
Тинчлик — 58-34-88
Искра — 39-14-59.

ДИҚҚАТ!
Тошкент тўқимачилик комбинатининг
Ю. ГАГАРИН НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ТЕХНИКА САРОЙИ ҚИЗЛАРИ
ўз-ўзини маблағ билан таъминловчи бичиш ва тикиш коллективларига
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
Мазкур коллективларда сизлар замонавий янги моделларни моделлаштириш бичиш, тикиш, тўқиш, кашта тикиш, сунъий гуллар ясашни ўрганиб оласиз.
Ўқишга қабул шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни амалга оширилмоқда.
Машғулотлар 1-сентябрдан бошланади.
Адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 45-уй.
Мурожаат учун телефон— 53-48-71.

ДИҚҚАТ!
Янги иситиш мавсумига тайёргарлик ишлари олиб борилиши муносабати билан
24 июлдан бошлаб 25 июль соат 24.00 гача
3-«Западний» ТЦ ни ўчириш планлаштирилади.

Ана шу муносабат билан Генерал Узоқов, Беруний кўчалари, Марказ-13, 14, 15, 26, 27, 7 кварталлари, Ўзбекистон, Генерал Лопатин кўчалари, Министрлар Совети, «Тошкент» меҳмонхонаси, Ш. Руставели, Шевченко, Полторацкий, Ленин, Халқлар дўстлиги кўчалари зонасида ИССИҚ СУВ БЎЛМАЙДИ.
Справкалар учун телефонлар — 62-68-38, 62-65-55.
«Ўзбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Таштеплоэлектроцентраль»и.

Тошкент область Оржоникидзе районидаги 27-ўрта мактаб томонидан **Султонова Шахло Ўктамовна** номига берилган Д 761692 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 137-ўрта мактаб томонидан **Юлдашев Рустам Ильхамович** номига берилган Д 789759 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги 162-ўрта мактаб томонидан **Мустакимов Комилжон Абдукаримович** номига берилган 737362 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона—32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши—32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги —32-54-19; ижтимоий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54.15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.

Р—09824. Б. 2147. Индекс 64590. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10